

Н.Б. Абдусаломова,
ассистент, ТДИУ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

В данной статье автор приводит место черной металлургии в развитии национальной экономики страны. Предложены пути организации бухгалтерского учета предприятий отрасли черной металлургии. Приводится место информационных технологий в организации бухгалтерских расчетных операций.

In this article, the author presents the importance of iron-and-steel industry in the development of the national economy. Also, proposes ways of account organization in steel industry enterprises. Moreover, points out the place of information technology in the organization of accounting settlement operations.

Калитли сўзлар: Саноат, металлургия, машинасозлик, бухгалтерия ҳисоби, қора металлургия, рангли металлургия, ишлаб чиқариш унумдорлиги таҳлили.

Республикамиз иқтисодиётини равнақида унинг барча тармоқ ва соҳалари ўз ўрнига эга. Чунончи, республикамизда 2014 йилда яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми 6,9 фоизга, капитал курилиш ҳажми 10,9 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ўсди¹. Республикамизда барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсиш суръатларини таъминлашда металлургия саноати тармоғи муҳим ўрин тутди. Чунончи, ушбу тармоқ халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига киритишга мўлжалланган инвестицияларни ҳақиқатда рўёбга чиқаришда бевосита иштирок этади. Металлургия саноати тармоғининг ўрни ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришнинг моддий техника базасини яхшилашда, модернизация қилишда, техник ва технологик жиҳатдан янгилашда беқиёсдир. Шу боис ҳам бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда қора металлургия саноати тармоғини равнақ топтириш, унинг моддий-техника базасини тубдан яхшилаш, ушбу тармоқ субъектларига янги техника ва технологияларни киритиш, ўз навбатида, ўта долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Зеро, шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, таркибий қайта ўзгартиришларни кенгайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, саноатнинг етакчи тармоқларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 16.01.2015 йил.

модернизациялаш ва фаол диверфикациялаш ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаси этиб белгиланди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари

№	Кўрсаткичлар	2014 й млрд. сўм	Ўтган илга нисбатан
1	2	3	4
1.	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	114867,9	108,0
2.	Саноат маҳсулотлари ҳажми	75193,5	108,3
3.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	36957,0	106,0
4.	Капиталь қўйилмалар ҳажми	33715,3	109,6
5.	Чакана савдо ҳажми	58643,4	114,2

Республикмизда 2014 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 114867,9 млрд.сўмни ташкил қилган, шундан саноат маҳсулотлари ҳажми 75193,5 млрд.сўмни ташкил қилган. Саноат маҳсулотлари таркибида қора металлургия саноати 1800,5 млрд. сўмни ташкил қилган, рангли металлургия саноати эса 6580,1 млрд. сўмни ташкил қилган. Бундан кўришимиз мумкинки, мамлакатимиз иқтисодиётни ривожланишини асосини саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ташкил қилган бўлса, саноат таркибида металлургия саноати алоҳида ўрин эгалламоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида металлургия саноатининг хўжалик фаолиятини муваффақиятли юритиш, тижорат фаолиятини ривожлантириш ва рақобатбардошликни кучайтириш ишбилармонларнинг халқаро тили бўлмиш бухгалтерия ҳисобининг қонунлари, низомлари ва стандартларини ўрганишни тақозо қилади.

Металлургия саноати жаҳон хўжалигини, асосан, конструкциябоп материаллар — қора ва рангдор металл билан таъминлайди. Гарчи мамлакатлар хўжалигида бошқа хил констаксиябоп материаллар, жумладан, пластмассаларнинг аҳамияти ортиб бораётган бўлсада, улар пўлатнинг ўрнини боса олмайди. Шу сабабли бу тармоқ ҳозирги жаҳон хўжалигининг аҳамиятли негиз тармоқларидан ҳисобланади.

Металлургия саноати ўз навбатида мустақил қора ва рангдор металлургия саноатларига бўлинади.

Қора металлургия саноатининг хусусиятларидан бири асосий маҳсулотлари ҳисобланадиган чўян, пўлат ва прокат ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта ҳажмдаги темир рудаси, коксланадиган кўмир ва бошқа хил ресурсларни ишлатишидир. Шу сабабли дастлабки йилларда тармоқ корхоналари, асосан, йирик коксланадиган кўмир конлари ҳудудларида шаклланди. Айни пайтда юқори суръатларда ривожланиш даврида тармоқда

янги ишлаб чиқариш технологиясига ўтиш туфайли темир рудаси ва коксланадиган кўмирни жаҳоннинг турли минтақаларидан келтириш имкониятлари анча кенгайди. Натижада Ғарбий Европа давлатлари, Япония, қисман АҚШнинг қора металлургия корхоналари тобора денгиз портлари атрофларида жойлаштирила бошланди.

Кишилик жамияти тараққиётида меҳнат қуроллари ва қурол-яроғлар жуда муҳим аҳамият касб этган. Улар, асосан, ёғоч, суяк, тош (қ. Тош даври) ва темирдан (қ. Темир даври) тайёрланган. Қора металлургия халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Кимё саноати, рангли металлургия, қурилиш материаллари саноати маҳсулотлари билан бирга қора металллар машинасозлик ва қурилишда асосий конструкцион материал ҳисобланади. Ўзбекистонда етакчи машинасозлик тармоқлари ишлатадиган конструкцион материалларнинг умумий ҳажмида қора металллар асосий ўринни эгаллайди.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қора металлургия саноатининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>
Маҳсулот ҳажми, млрд.сўм	829,8	1077,3	1306,3	1458,9
Маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати, %	107,7	105,8	106,5	102,8
Рўйхатдаги ҳодимларнинг ўртача сони, минг киши	12,8	13,6	13,8	14,4
Ўтган йилга нисбатан, %	103,6	106,0	101,8	104,3
Асосий турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш:				
Тайёр прокат, минг тонна	691,6	709,9	710,5	718,0
Пўлат қувурлар, минг тонна	90,6	92,1	123,5	152,3
Ўтган йилга нисбатан, %	121,6	101,7	134,0	123,4
Эгилган пўлат профиллар, минг тонна	44,5	52,5	72,7	115,7
Ўтган йилга нисбатан, %	113,2	118,0	138,5	159,1
Эмалланган пўлат идишлар, минг тонна	1,2	2,2	2,2	2,3
Ўтган йилга нисбатан, %	116,6	134,9	100,5	107,4

Ўзбекистонда бир неча кичикроқ темир конлари бор. Саноат аҳамиятига молик темир конлари — магматоген генезисли, магнетит-гематит таркибли Суренота (Тошкент вилояти) ҳамда асосан титан-магнетитли Тебинбулок темир кони (Қорақалпо‘истон) шулар жумласидан. Ўзбекистондаги темир конлари

ресурслари: Жиззахдаги темир кони — 150 млн. т, Суренота темир кони — 50 млн. т, Тебинбулоқ темир кони — 100 млн. т дан кўп. Ўрта Осиёда биринчи замонавий металлургия комбинати 1944 й. ишга туширилган (қ. Ўзбекистон металлургия комбинати). Ўзбекистон металлургия саноатида 500 минг тоннага яқин пўлат, 450 минг тоннага яқин тайёр прокат ишлаб чиқарилади (2005) (яна қ. Металлургия, Оғир саноат).

Жаҳон қора металлургия саноатида ҳозирги вақтда хомашё ресурсларини етказиб берувчи, тайёр металл маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва уларни истеъмол қилувчи мамлакатлар гуруҳлари шаклланган. Жумладан, темир рудасини жаҳон бозорига чиқаришда Бразилия, Австралия, Ҳиндистон, ЖАР, Либерия давлатлари, пўлат ишлаб чиқаришда Япония, Россия, АҚШ, Украина, Германия давлатлари ажралиб туради. Тайёр металл маҳсулотларини истеъмол қилишда эса, асосан, иқтисодий ривожланган мамлакатлар етакчилик қилмоқдалар. Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган пўлатнинг 80 фоизи ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг ҳиссаси юқори сифатли қора металл маҳсулотларини тайёрлашда, айниқса, юқори.

Жаҳон қора металлургия саноати 1,5 аср мобайнида (кейинги) тошкўмир ҳавзаларига таяниб ривожланди. Россия металлургия марказлари ана шундай вужудга келди. Ўзига жалб қилиш бўйича 2-ўринда темир руда ҳавзалари туради. Жаҳонда ҳозирда 50 мамлакатда темир қазиб олинади. Лекин асосан бир неча мамлакатларда эритилади холос.

Аввалига металлургиянинг коксланадиган кўмир ва темир келтиришга таяниши сабабли қора металлургия корхоналари денгиз портларига яқинлашиб борган. Масалан: Япония, Ҳорижий Европа қисман АҚШда. Кейинги вақтларда истеъмолчиларга таяниш айниқса кучайди. Натижада йирик металлургия корхоналаридан кичик заводлар қуришга ўтила бошланди. Уларни эркин жойлаштириш мумкин.

Асримизнинг 50-60 йиллари бутун қора металлургия саноати иқтисодий ривожланган мамлакатларда тўпланган эди. Лекин кейинги вақтларда Бразилия, Корея, Ҳиндистон каби мамлакатларда ҳам темир эритиш ривожланган давлатлар даражасига етди ва баъзан ўзиб кетди.

Жаҳонда темир рудаси асосан ер пўстининг сейсмик минтақаларида ва платформа ёриқларида учрайди. Жаҳонда йилига 1,1 млрд т. темир рудаси қазиб олинади (2006 й).

Рангдор металлургия саноати мураккаб тармоқлар таркибига эга бўлиб, ўнларча хилдаги металллар (мис, алюминий, рух, кўрғошин, волфрам, олтин, кумуш, уран ва бошқалар)ни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Ривожланаётган мамлакатлар рангдор металлургияда хомашё ресурсларини етказиб беришга ва ривожланган мамлакатлар эса истеъмолга тайёр рангдор металллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Масалан, мис рудаларини қазиб чиқариш ва жаҳон бозорига чиқаришда Марказий Африкадаги Замбия ва КДР давлатлари етакчилик қилади. Уларнинг худуди бўйлаб Мис миетақаси деб аталадиган мисга бой ҳавза ётади. Бундай ресурсларга бундан ташқари Чили, АҚШ, Канада ҳам анча бой. Тоза (рафинад)

мисни ишлаб чиқаришда эса АҚШ, Япония, Германия, Франция каби асосан, ривожланган мамлакатлар етакчилик қилмоқда.

Шунга ўхшаш ҳолатни нисбатан енгиллиги учун қанотли металл деб ном олган алюминий саноатида ҳам кўриш мумкин. Таркибида алюминий метали бўлган боксит рудасига энг бой давлатлар Австралия, Гвинея, Ямайка, Бразилиядир. Лекин тозаланган алюминийни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда яна АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатлар ажралиб туради.

Шундай экан, иқтисодиётни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш шароитида саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигини илмий-техник ривожланишга таянган ҳолда ошириш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг унумдор шакллари, бошқаришнинг жадаллаштирилиши ва фойдаланилмаган ресурсларнинг мобилизациялаштирилишини талаб қилади. Ушбу вазифани амалга оширишда саноат корхоналарининг фаолиятини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий ривожланишининг таҳлили муҳим ўрин эгаллайди. Унинг ёрдамида корхонани ривожлантириш стратегия ва тактикаси ишлаб чиқилади, режалар ва бошқарув қарорларига асос солинади, уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилади, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш резервлари такомиллаштирилади, корхона фаолияти натижалари, унинг бўлимлари ва ишчи кучи баҳоланади.

Иқтисодиётимизни янгилаш шароитида бухгалтерия маълумотлари (молиявий ҳисобот)дан фойдаланувчилар сони тезкин суратда ошади. Ушбу маълумотлар бозор иқтисодиётига ўтилишидан аввал кичик доира яъни юкори ташкилотлар, молиявий органлар, банк ва ҳудудий статистика органи учун тузилган бўлса, бозор иқтисодиётида бозор муносабатларининг барча иштирокчилари: менеджерлар ва бошқарувнинг турли вазифалардаги ишчилари, яъни бухгалтерлар (ғарб амалиётида бухгалтер-аудиторлар, бухгалтер-таҳлилчилар); компания (фирма)да тўғридан-тўғри ишламайдиган, лекин бевосита молиявий шерик шахслар - акционерлар, инвесторлар, турли кредиторлар, хизмат ва маҳсулот харидорлари ва сотувчилар ва бошқалар; учинчи гуруҳ - корхонага молиявий шериклиги бўлмаган шахслар, яъни турли хил молиявий ташкилотлар (биржа, ассоциация ва бошқалар), солиқ; хизмати, статистика органлари, касаба уюшмалари ва бошқалар ҳам унинг иштирокчиларига айланадилар. Ушбу ҳолат яъни бозор муносабатларининг ривожланиши, кредитор ва инвесторларнинг эътиборини сезиларли даражада жалб қилиш учун компания бошқарувчиларининг молиявий турғунликни таъминлашнинг боқарув қарорларини ишлаб чиқариш ва капиталдан фойдаланишнинг унумдорлигини ошириш йуллари билан капитални ва молиявий ҳолатни бошқаришида жавобгарлигини оширади.

Қора металлургия саноати корхонасининг молиявий-иқтисодий фаолиятини сифатли таҳлил қилишнинг доимий шarti - бу молиявий ҳисоботни ва унинг асосий шакли - бухгалтерия балансини ўқий билиш қобилиятидир. Корхонанинг иқтисодий ҳолатини баҳолашда баланснинг ҳар бир бўлими, уни баҳолаш шартлари, корхона фаолиятидаги ўрни,

маълумотнинг у ёки бу бўлим асосида ўзгариш шакли ва ушбу ўзгаришларнинг маъносини тушуниш ўта муҳимдир.

Бухгалтерия балансини ўқий билиш қобилияти фақатгина баланс бўлимларини ўрганиш асосидагина корхона фаолияти хақида кўринарли даражада маълумотлар олиш имкониятини беради.

Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти устидан раҳбарлик қилиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг боришини бошқариш мақсадида ахборотларни олиш учун фақат кузатувни амалга оширишнинг ўзи кифоя қилмайди. Олинган маълумотларни ўлчаш, яъни бошқарувчиларга зарур бўлган маълум бир миқдорий кўрсаткичларда ифодалаш лозим бўлади. Ундан сўнг бу кўрсаткичлар бошқаришга зарур бўлган йўналишда ахборотни гуруҳлаш, корхоналар фаолиятини кейинчалик баҳолаш ва ахборотнинг сақланишини таъминлаш ҳамда аудитни ташкил қилиш мақсадида ҳисобнинг тегишли регистрларида рўйхатга олиниши лозим.

Ҳозирги шароитидаги қора металлургия саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий хусусияти шундаки, давлат томонидан ҳисоб ишларини ташкил қилишга доир ҳужжатларда бухгалтерия ишларини уюштиришнинг асосий услубий принциплари билан биргаликда субъектга ҳисоб юритишда у ёки бу сиёсатни, бухгалтерия ҳисобининг шаклини, ҳисоб ахборотини ишлаш технологиясини, бухгалтерия ишларини ташкил қилиш усуллари танилаш ҳуқуқлари берилган. Шу муносабат билан кейинги йилларда ватанимиздаги ҳисоб назарияси ва амалиётида субъектнинг ҳисоб сиёсати деган тушунча пайдо бўлиб, у замонавий шароитдаги бухгалтерия ҳисобининг ривожланиш йўналишини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашуви мавжуд қонунчилик асосини доимий равишда такомиллаштириб, уни халқаро меъёрларга мослаштириб боришни тақозо қилади.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларини бухгалтерия ҳисобида қайд этиб боришлари ва молиявий ҳисоботларни тузишлари, бу маълумотларни ички ва ташқи истеъмолчилар (раҳбарият, инвесторлар, аксиядорлар, солиқ органлари, банклар)га тақдим қилишлари шарт.

Хўжалик муомалаларининг жорий ҳисоби хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётларининг режасига асосланган ҳолда юритилади. Счётлар бухгалтерия ҳисоби усулининг асосий элементларидан бир бўлиб, бухгалтерия ҳисоби объектини иқтисодий нуқтаи назардан гуруҳлашда қўлланиладиган моддий ва пул воситаларининг ҳаракатини ҳамда хўжалик муомалаларини амалга ошириш даврида уларнинг ҳолати ва ташкил топиш манбаларини кўрсатишдир.

Бухгалтерия ҳисоби айрим субъектларда содир бўлаётган хўжалик маблағлари ва жараёнларининг ҳаракатини маълум ҳужжатлар билан асосланган ҳолда рўйхатга олиш ва пулда баҳолаб умумлаштирилган тарзда ёппасига ва бевосита кузатиш тизимидир. У субъектнинг хўжалик фаолиятини

бошқариш ва унда хўжалик ҳисобини жорий эттиришнинг муҳим воситаси ҳисобланиб, субъектнинг маблағларидан тўғри ва унумли фойдаланиш ва унинг бутлигини таъминлаш устидан ҳам дастлабки, ҳам жорий (кундалик) ва келгуси назоратни юритиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида мавжуд моддий қийматликлар, пул маблағларининг ҳаракати кузатилади ва назорат қилинади, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар аниқланади, хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари ва субъектларнинг умумий мулки ҳақидаги маълумотлар йиғилади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳар қандай тизимда ҳам қуйидаги учта функцияни бажаради: 1) ахборот бериш, 2) назорат қилиш, 3) бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш. Бу функцияларни бажаришда бухгалтерия ҳисоби ҳар хил усуллар, техника ва шакллардан фойдаланиши мумкин. Шунинг билан бирга, бухгалтерия ҳисоби ҳар хил ижтимоий тизимларда муайян ижтимоий тизимнинг мақсадларига қараб ҳар хил вазифаларни бажариши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифаларини яхши тушуниб олиш учун унинг объектларини билиб олиш лозим бўлади. Субъектлардаги бухгалтерия ҳисобининг объектларини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Субъектнинг маблағ (ресурс)лари: меҳнат воситалари, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари, тайёр маҳсулот, устав фонди (капитали), бошқа ҳар хил жамғармалар, келгусидаги харажатлар ва тўловларнинг резервлари, субъектларнинг жамғарган фойдаси ҳисобидан яратилган ҳар хил резерв (резервлар)лар ва ҳоказолар. Бу маблағлар ишлаб чиқариш жараёни учун тегишли шароит яратиб беради.

2. Субъектларда содир бўлаётган муҳим жараёнлар: товар-моддий бойликларни тайёрлаш ва сотиб олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг сотилиши, капитал қурилиш ва бошқа жараёнлар.

3. Ҳисоблашиш муомалалари: бюджет, мол етказиб берувчи ва пудратчилар, харидорлар, ишчи ва хизматчилар, давлат банки ва бошқа банклар ҳамда бошқа ташкилот ва шахслар билан ҳисоблашишлар.

4. Субъектнинг хўжалик-молиявий фаолиятининг молиявий натижалари: жамоанинг олган даромади, фойдаси ва кўрган зарарлари.

Бухгалтерия ҳисоби иқтисодий адабиётларда маълум хўжалик субъекти тўғрисидаги молиявий ахборотни ўлчаш, ишлаш ва топширишни амалга ошириш тизими деб ҳам таърифланади.

Қора металлургия саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишни асосий мақсади бозор иқтисодиётини бошқариш ва оёққа тургазиш шароитида бошқарув қарорларини тайёрлаш, асослаб бериш ва қабул қилиш, субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида сифатли ўз вақтида тайёрланган ахборот билан таъминлашдан иборат.

Юқорида айтилганларга асосланиб, бухгалтерия ҳисобининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– асосий фондлар, товар-моддий бойликлар, пул маблағларининг келиб тушиши ва уларнинг ҳаракатини тўла ва ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш;

– маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш, меҳнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик, меҳнат ҳақи фонди, капитал сарфлар, бюджет ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоблашиш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини аниқ акс еттириш, кузатиш ва уларнинг натижаларини топиш;

– субъектнинг ва унинг айрим бўлимларидаги ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ва бошқа ишлар билан боғлиқ харажатларни тўла акс еттириш, назорат қилиш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳисобот калкуляциясини тузиш;

– субъект ва унинг айрим бўлимларининг раҳбарларини молиявий-хўжалик фаолиятининг барча бўлинмаларига доир тўла ва аниқ иқтисодий ахборот билан тезликда таъминлаб туриш;

– таъсисчилар, акциядорлар, сармоя эгалари, юқори ташкилот, молия, солиқ, статистика ва бошқа бухгалтерия ҳисоботи маълумотларидан фойдаланувчи ташкилот ва шахсларга ўз вақтида топшириш учун аниқ ҳисоботларни яратиш;

– бошқарув қарорларини иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш учун умумлаштирилган ахборотнинг тартиблаштирилган оқимини таъминлаш;

– тўла хўжалик ҳисобини субъект миқёсида ҳамда унинг айрим ишлаб чиқариш бўлинмалари ва бригадаларида жорий этиш ва мустаҳкамлаш;

– субъектнинг маблағларидан тўла ва унумли фойдаланиш, ундаги мулкларнинг бутлигини таъминлаш, иқтисодий тежаш тартибига риоя қилиш, субъект жамоасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш устидан назорат юритиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш.

Фойданилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонуни. 30 август 1996 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

3. Xolbekov.R.O. “Buxgalteriya hisobi nazriyasi” darslik –Т.: Cho’lpon nomidagi nashriyot matbaa uyi -2011.

4. Jo’rayev.N.Y., F.T.Abduvahidov, D.A.Sativaldiyeva “Moliyaviy va boshqaruv hisobi” -Т. “IQTISOD-MOLIYA” 2012

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайти – mf.uz.

6. Статистический сборник “Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане”. Ташкент. 2014. 57 с.